



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 13 август, № 159 (6342)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24
йил

Мамлакатимизда
Президентимиз
рахнамолигида
изчил амалга
оширилаётган
ислохотлар
самараси ҳар

бир жабҳада кўзга яққол ташлан-
моқда. Хусусан, жойларда жадал
олиб борилаётган улкан бунёдкор-
лик ишлари, ишлаб чиқариш ва
саноат тармоқларида қўлга
киритилаётган ютуқлар нафақат
турмуш тарзимизни ўзгартираяп-
ти, балки юртимиз доврўғини
дунёга ёйишга хизмат қилмоқда.
Буни темир йўл тизимида амалга
оширилаётган истиқболли
лойиҳалар ҳам тасдиқлайди.



Бунёдкорлик, ободлик ва тараққиёт

Дарҳақиқат, бугунги кунда
республикаимизда темир
йўл инфратузилмасини ривож-
лантириш, янги йўлларни қуриш
орқали транспорт йўлакларини
кенгайтириш, ягона миллий
темир йўл тизимини шаклланти-
риш тараққиётнинг муҳим ва
стратегик йўналишларидан бири-
га айланган. Президентимиз
томонидан бу соҳага қаратила-

ётган алоҳида эътибор туфайли
муствақиллик йилларида кўплаб
улкан лойиҳалар, жумладан,
“Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон”
темир йўли қурилиши муваф-
фақиятли бажарилди.
“Аср мўъжизаси” деб ном ол-
ган мазкур темир йўлнинг мам-
лакатимиз иқтисодиётида тугган
ўрни беқиёс. Хусусан, у ишга ту-
ширилган, минтақанинг табиий

ер ости бойликларини ўзлашти-
риш учун янги имкониятлар пай-
до бўлди. Темир йўл ён-атрофи-
да кўплаб саноат корхоналари,
маиший объектлар қад ростла-
ди. Минглаб иш ўринлари таш-
кил этилди. Энг муҳими, янги йўл
шарофати билан юк ва йўловчи
ташиш масофаси 170 километр
қисқарди. Натижада линия
бўйлаб ташилаётган транзит ва

махаллий юклар салмоғи сези-
ларли даражада кўпайди.
Ягона миллий темир йўл
тизими барпо этишга йўналти-
рилган лойиҳалардан яна бири
Амударё узра қад ростлаган
мушташам кўприқдир. Узунлиги
681 метрга тенг мазкур иншоот
пойтахтимиздан Хоразм вилояти
ва Қорақалпоғистон Республика-
сига қатновчи поездларнинг
ҳаракат вақтини 5,5 соат,
масофани эса 300 километр
қисқартирди.

Бундан ташқари, темир
йўлларни электрлаштириш инф-
ратузилмаси тобора жаҳон стан-
дартларига мослаштириб бори-
лаяпти. Кейинги йилларда “Тош-
кент — Самарқанд”, “Мароқанд
— Қарши”, “Қарши — Термиз”,
“Самарқанд — Бухоро” йўналиш-
ларини электрлаштириш бўйича
амалга оширилаётган ишлар
фикримиз тасдиғидир. Бу йўллар
поездлардан фойдаланиш ва
ёнилғи сарфини тежаш, юк ҳамда
йўловчи ташиш вақтини камай-
тиришга хизмат қилади.

Айталик, бундан икки йил ав-
вал бошланган “Мароқанд —
Қарши” участкасини электрлашти-

риш ишлари шу кунларда якунига
етказилиш арафасида турибди.
Осиё тараққиёт банкининг имти-
ёзли кредити ва “Ўзбекистон те-
мир йўллари” акциядорлик жами-
яти маблағлари ҳисобидан ҳаётга
татбиқ этилаётган бу лойиҳа те-
мир йўлни электрлаштириш баро-
барда, линияга халқаро андоза-
ларга мос алоқа ва коммуникация
технологияларини жалб қилиш,
замонавий иншоотларни барпо
етишга ҳам мустаҳкам пойдевор
яратди. Айни пайтда ундаги “Гум-
баз”, “Улус”, “Жом”, “Айритом”,
“Алотун”, “Нигуз”, “Қашқадарё”
каби ўнлаб станциялар йўловчи ва
поездларга замонавий хизмат
кўрсатишга шай.

325 километрлик “Қарши —
Термиз” участкасидаги электр-
лаштириш жараёни эса Япония
ҳукуматининг “Тараққиётга рас-
мий ёрдам” дастури доирасида
амалга оширилмоқда. Эътиборли
жиҳати, бу лойиҳа келгусида мил-
лий темир йўл тизимининг муҳим
бўлаги ҳисобланган “Тошгузар —
Бойсун — Қумқўрғон” темир йўл
линиясини тўлиқ электрлаштириш
имконини беради.

(Давоми 2-бетда).



ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ ЁШЛАР

Бошқарув нулти — станциянинг энг
масъулиятли участкаси. Шу бос қорхона-
мизнинг биринчи ва иккинчи энергоблоклари
тўлиқ модернизациядан чиқаришга, кун тар-
тибига бир масала қўйилди: “Хўш, қомпо-
нентлаштирилган ана шу қозон-трубина цехи
бошқарувини қимга ишониб топширамиз?”
Бу саволга ҳаммамизнинг жавобимиз яқдил
бўлди: ёшларга!

Ҳақиқатан ҳам, ҳозир жамоамизда меҳ-
нат қилаётган энергетикларнинг аксарияти
— навқирон йигит-қизлар. Улар энг мурак-
каб технологияларни моҳирлик билан
ишлатишгаётганини кўриб, ҳайратингиз
ошади. Аслида, бунинг ажаблалари жойи
йўқ. Чунки ана шу салоҳиятли кадрлар —
бизнинг ўғил-қизларимиз, Истиқлолимиз
фарзандлари!

Эсимда, муствақилликнинг илк йилларида
ҳаёдамай қатта-қатта қорхоналар қуриша-
ю, энг сўнги русумдаги ускуналарни қим ва
қандай бошқарар экан, деб баъзилар таш-
вишга тушганди. Шўжри, узоқни кўзлаб
амалга оширилган оқилона сиёсат қисқа
муддатда ўз самарасини бериб — муҳандису
технологларнинг янги авлоди шаклланди.

Ҳар куни эрталаб станциямиз остонаси-
да иш жойларига ошқабатган йигит-қиз-
ларни кузатиб, бир ҳақиқатни яққол англаб
етаман: ҳар соҳада илғор, ҳар жабҳада фаол
ёшларимиз бор экан, Ўзбекистонимиз
келажаги, албатта, буюк бўлади!

Шўжурли МАМАТҚУЛОВ,
Сирдорё иссиқлик электр станцияси
бош муҳандиси,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб.

«ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника
университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг
“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий
саодатдир” номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшу-
нос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва
маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нурунийлар,
махалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимини
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Х. Султонов
қисқача кириш сўзи билан
очди. Очқ ва самимий
мулоқот руҳида ўтган
анжуманда мазкур китоб-
нинг нашр этилиши мам-
лакатимизнинг ижтимоий-
сиёсий, маънавий-маъри-
фий ҳаётида беқиёс
аҳамиятга молик улкан

воқеа экани алоҳида
таъкидланди.
Маълумки, 2015 йил
29 март куни юртимизда
миллий ва халқаро ҳуқуқ
нормалари, демократик
тамоийиллар асосида
Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига бўлиб
ўтган сайловда сайловчи-
ларнинг 90,39 фоизи
Тадбиркорлар ва ишбилар-
монлар ҳаракати — Ўзбе-

кистон либерал-демократик
партиясидан Президентликка
номзод Ислам Абдуганиевич
Каримовга овоз берди.
Бундай ёрқин ғалаба Ислам
Каримовнинг давлат раҳбари
сифатида Ўзбекистон мус-
тақиллигини таъминлаш,
уни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш борасидаги
стратегик мақсад ва вази-
фаларни ҳал этиш йўлида-
ги беқиёс хизматларининг

юксак эътироф этилгани,
юртимизда амалга ошири-
лаётган кенг қўламли
ислохотларнинг халқимиз
томонидан ҳар томонлама
қўллаб-қувватланаётганини
тасдиқлайди.

“Она юртимиз бахту
иқболи ва буюк келажаги
йўлида хизмат қилиш —
энг олий саодатдир”
китобидан давлатимиз
раҳбарининг сайловолди
жараёнларидаги йигирма-
дан зиёд учрашув ва ан-
жуманларда билдирган энг
муҳим, концептуал аҳами-
ятга молик ғоя ва фикр-
мулоҳазалари ўрин олган.

(Давоми 2-бетда).



БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Шу йилнинг дастлабки олти ойи давомида мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналарида
ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача

9,6
фоиз
арзонлаштирилди.

Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ишлари жадал амалга оширилгани, технологик
жараёнлар ва хом ашё ҳамда материаллар сарфлаш нормалари оқилона ташкил этилгани,
шунингдек, амалиётга инновацион ишланмалар татбиқ қилингани туфайли ана шундай ижобий
натижага эришилди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Корея Республикасининг Инха университети
президенти Сунъя Чой раҳбарлигидаги делегация
Ўзбекистонга келди.

Инха университети делегацияси учрашувлари

Делегация аъзолари
Тошкент шаҳридаги Инха
университетида бўлиб, бу
ерда яратилган шароит-
лар билан танишди, олий
ўқув юрти раҳбарияти,
ўқитувчи ва талабалари
билан учрашди.

Тошкент шаҳридаги
Инха университети рек-
тори Шерзод Шерматов
бугунги кунда Ўзбе-
кистонда ахборот-комму-

никация технологиялари
соҳаси изчил ривожланиб
бораётганини таъкидлади.
Президентимиз Ислам
Каримов ташаббуси билан
2014 йили ташкил этилган
Тошкент шаҳридаги Инха
университетида бу соҳа
учун юқори малакали
кадрлар тайёрланади.

(Давоми 2-бетда).



Бир неча босқичда филтрланади

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида
2014 — 2016 йилларда минтақа саноат салоҳияти-
ни ривожлантириш дастури доирасида озик-овқат
маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир 113 та
лойиҳа амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун
19 миллиард сўм ҳамда 165 минг АҚШ доллари
миқдорида сармоя йўналтирилди.

Хусусан, мазкур дастурга мувофиқ, Нукус шаҳрида
салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирил-
ган “Амирхон-Рўзимбой” масъулияти чекланган жамияти
фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

— Лойиҳа рўёби учун 100 миллион сўм сарфланди, —
дейди иш юритувчи Комилжон Юлдашев. — Ҳозир
компьютерлаштирилган технология асосида кунига
4,5 минтагача 1,5 литр сифимли идишларда тўққиз
турдаги ичимлик суви қадокланмоқда. Мазкур дастох-
ларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамида асосий хом
ашё ҳисобланган сув бир неча босқичда филтрланади.
Шу билан бирга, идишларни ўзимизда ишлаб чиқараёт-
ганимиз маҳсулотларимиз таннархини арзонлаштириш
имконини бераётир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик самараси

Шўрчи туманидаги “ZhongHaide” қўшма қорхо-
наси хорижнинг энг замонавий технологияси
билан жиҳозланган, бу ерда кунига 80 минг
донагача сифатли пишиқ гишт тайёрлаш имкония-
ти юзага келди.

Шу билан бирга,
қишлоқ ёшларидан 70 на-
фари доимий иш ўрнига
эга бўлди.

— Тўла қувватга эри-
шилгач, кунига 200 минг
донагача сифатли девор-
боп материал ишлаб
чиқаришни мўлжаллап-
миз, — дейди хитойлик
тадбиркор Лу Хонгай. —
Фаолият бошлаганимизга
эндиgina уч ой бўлди.

Шунга қарамай, буюртма-
чиларимиз сафи тобора
кенгайиб борааяпти. Эҳти-
ёждан келиб чиқиб, гишт
пиширадиган иккинчи хум-
дон ва ускуналарни ҳам
ишга туширмоқчимиз. Бу
яна 80 кишининг банд-
лигини таъминлаш имкони-
ни беради.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустаҳкам йўл қопламаси

Хатирчи туманидаги “Хатирчи Жалойир транс
йўл” МЧЖда Навоий давлат кончилиқ институти
олимлари билан ҳамкорликда ноорганик матери-
аллардан йўл қопламаси учун янги маҳсулот
яратилди. У амалдагисидан арзонлиги ва хизмат
кўрсатиш мuddати икки баравар кўплиги билан
ажралиб туради.

Қум-шағал аралашмасига кам миқдорда цемент, гид-
равлик оҳак қуқуни ва калцийга бой минерал асосида
ишлов берилиб, йўл қопламаси ишлаб чиқарилади, —
дейди ихтирочи Бахтиёр Бегматов. — Муҳими, унинг хом
ашё базаси ўзимизда етарли.

Лойиҳа ташаббускори Хатирчи туманидаги Жалойир қиш-
логига 500 квадрат метр йўлни таъмирлаб, янги маҳсулоти-
ни синовдан ўтказди. Ушбу қоплама зичлиги вақт ўтган сари
мустаҳкамланиб бориши билан, айниқса, диққатга сазовор.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидлади.

Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўплам билан танишган китобхонундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро ўзвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай

синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улуг мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон — ўзбек давлатининг асосчиси, бетақорр шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустақкам ирода ва эътиқоди экани эътироф этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш. Сирожиiddинов, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Содиқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири С. Остонов, Тошкент давлат санъат ва маданият

институты проректори, тарих фанлари доктори, профессор А. Маврулов, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж. Иноғомов, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани “Амир Темур” фермер ҳўжалиги раҳбари Н. Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж. Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир

янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганини қайд этиб, ўртага қўйилган гоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти хусусида атрофлича фикр билдирилди.

Учрашувда халқимизнинг тафаккур ҳазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёналарини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ис-

лоҳотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари руҳлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Ў.А.

Инха университети делегацияси учрашувлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу таълим муассасасида яратилган шароитлар халқаро талабаларга тўла жавоб беради. Ўқув аудиториялари, лаборатория ва бошқа хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Университетда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари орасида энг катта дата-марказ (серверлар ва тармоқ ускуналари жойлаштирилган юқори технологияли майдон) фаолият кўрсатмоқда. Талабалар энг замонавий технологиялар, жумладан, Wi-Fiдан кенг фойдаланмоқда.

Дарслар халқаро муҳандислик аккредитацияси талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастури бўйича инглиз тилида

ўтилмоқда. Мамлакатимиз ўқитувчилари билан биргаликда Корея Республикасидан келган 10 нафар мутахассис талабаларга ахборот-коммуникация соҳаси асосларини ўргатмоқда. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган етакчи компаниялар мутахассислари иштирокида амалий машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Бу назария ва амалиётни ўзаро боғлаш, талабаларга эса IT-саноатидаги энг сўнгги янгилликлардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тошкент шаҳридаги Инха университетида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда талабаларнинг мустақил изланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун олий ўқув юртида замона-

вий технологиялар ва анъанавий адабиёт билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Университетда жамоа бўлиб ишлаш йўлга қўйилган, яъни талабалар баҳс-мунозаралар ва тақдимотлар ўтказиладиган хоналарда гуруҳларга бўлиниб, мураккаб вазифаларга ечим топади. Сўнгра дарсларда тажрибали ўқитувчи раҳбарлигида билимларини мустақамлайди.

Инха университети делегацияси аъзолари талабалар учун яратилган ушбу шароитлар билан яқиндан таништирилди.

— Ўзбекистонда университетимиз филиалининг ташкил этилгани мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир, — деди Инха универ-

ситар корхонаси бошлиғининг ўринбосари Ислон Муҳиддинов.

— Бу вазифанинг тўқсон беш фоизи амалга оширилди, деганидир. Қолган қисми ҳам Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрамигача тўлиқ электрлаштирилади. Энг муҳими, бунда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланамиз. Қолаверса, мутахассисларимиз ҳам маҳаллий ёшлардан иборат. Буларнинг барчаси ишчимизни сифатли ва ўз вақтида баҳарли имконини берапти.

Қайд этганимиздек, мамлакатимиз темир йўл тизимида ҳаёт-

зилиши ҳақида эшитганимизда, барчамизнинг ҳайратланганимиз рост, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Поп тумани бўлими бошлиғи Нуриддин Тошматов. — Негаки, бу юмуш биз учун бир афсона эди-да. Қаранг, бугун ушбу афсонанинг ҳақиқатга айланишини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Яқинда бутун водий вилоятларидан бир гуруҳ кексалар йиғилиб, инсон қўли билан яратилган ушбу мўъжизани кўриш учун тоғ бағрига чиқдик. Офтоб нурларида товланиб турган темир излар, барпо этилаётган ҳар

дан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бундай орзуларимиз бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Бундан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди, албатта.

Чиндан ҳам, тизимда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар халқимизнинг асрий ниятларини амалга ошириш орқали уларнинг турмушини янада фаровонлаштириш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга хизмат қилаяпти. Тизимда келгусида яна қўлаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилишини инобатга оласак, бу борадаги

Қисқа

сатрларда

● Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда аҳолининг фаоллигини кучайтириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда юртимизда экологик дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий шеркчилиги самаралари, ёшларни бу борадаги миллий қадриятларга эътиром руҳида тарбиялашда “Оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлиги доирасидаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

● Пойтахтимизнинг **Хадра майдонида “Бетақорримиз, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!”** шiori остида маданий-музикаий тадбирлар ташкил этилди.

● Наманганда “Ёшлар бандлиги — долзарб масала” шиори остида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 645 корхона ва ташкилот томонидан 7 минг 831 бўш ҳамда квоталанган иш ўринлари тақлиф этилди. Яқунда 4 минг 336 киши, жумладан, касб-хунар коллежларининг 2 минг 818 нафар битирувчисига ишга кириш учун йўланма берилди.

● Бухорода эрта турмуш қуришнинг саббий оқибатларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● Жиззах шахрининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фойдаланишга топширилган очиқ сузиш ҳавзаси ва аквапарк аҳоли учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Сардор ТОҶИЕВ,
Ў.А. мухбири.



ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

Қўшим Аминжон бир неча йил олдин қишлоғимиз четида замонавий омборхона қурганди. Аввалбошда ҳаммамиз ажабландик. “Бу бир қишлоқ жой бўлса, картошкага сабзини ўрага кўммиз, анору узумни оғилхонага жойлаймиз, шунча оврагарчилик шартмиди”, дегувчилар ҳам топилди.

Қўп ўтмай, пишиқчилик мавсумида дала бошида узилган неъматларнинг бир қисми бозорга, яна бир қисми совуққичли омборга йўл олди. Адашмасам, ўшанда 120–150 тонна ҳосил қишлоқ четидаги ҳайҳотдек бинога жамғарилди. Шу десангиз, қиш келиб, то қўқламгача дастурхонимиздан ёз неъматлари узилмади. Яна ҳудди эндигона узилгандек сархил, мазали сақланганини айтмайсизми? Бундан ташқари, Аминжон қишлоғимиз ёшларидан 15 нафарини ёнича олиб, уларни ишли қилди. Шуларни ўйласам, бир пайтлар қорли-қировли кунларда бозорларимизда бир уюм картошкага шолғом, пиёзу турпидан бўлак айтарли ҳеч вақо сотилмагани ёдимга тушади. Ўшанда ранг-рўйи буришган, совуқда қолиб, тарашадай қотиб қолган сабзавотлар билан қора қозонимиз қайнаб турганидан хурсанд бўлардик.

Шукрки, ёруғ кунларимиз олдимизда экан. Мана, бугун ҳар қадамда дўкон, ҳар қишлоғу маҳаллада бозор. Уларнинг расталарига терилган заминимиз неъматлари турфалигини кўриб, кўзингиз қувонади.

Тунов кунни набирам Ойбек бир чалак олма кўтариб келди. “Бобо, жўрангиз Қодир бобо бериб юбордилар. Бултур эккан итменсез кўчатлари ҳосилга кирибди”, дейди. Хушбўй ҳиди димонги қишққлайдиган қирмизи олмаларни кўриб, дилм яйраб кетди. Уларни Истиқлолимиз богларининг мевалари, дея атагим келди.

Нусрат САЙФУЛЛАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Қизилтепа тумани

Ижтимоий ҳимоя ва қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурининг қонунчилик асосларига бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, қўмиталар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪОЗЛАШ ЙИЛИ

Анжуманда қайд этилганидек, ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижа-сида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 80, 90 ва юз ёшдан ошган минглаб табарруқ қариялар умргузаронлик қилаяпти.

Айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури ёши улуг инсонлар ҳаётини янада яхшилаш, айниқса, уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ишларини янги босқичга кўтарди.

Унда кексалар ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишга йўналтирилган қонунчилик базасини тобора такомиллашти-

риш ва ушбу мақсадда саккизта қонун ҳужжати амалга оширилганлиги ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ушбу ҳужжатлар ёши улуг инсонларни, уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бирга улар учун яратилаётган имтиёзлар қамровини ҳам кенгайтиришга қаратилган.

— Қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён бўлиб, давр тақозоси ва тараққиёт туфайли бу борада янги-янги вазифалар қўйилиши табиий, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Даврон Қаландаров. — “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари пировардида қарияларимизни ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини изчил ошириб боришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор ташаббуси

Тадбиркор Дадахон Абдуллаев Тошлук туманидаги Қанжирга маҳалласидаги бозорнинг бўш турган биносини мукаммал таъмирлаб, нон цехи ташкил этди.

КИЧИК-БИЗНЕС

Ўнга яқин коллеж битирувчилари иш билан таъминланган мўъжаз корхонада беш турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ҳозир вилоятда 17392 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатапти. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 51,2 фоизни ташкил этмоқда.

Набижон СОБИРОВ.



Бунёдкорлик, ободлик ва тараққиёт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Тўқимачи — Ангрен” темир йўлининг электрлаштирилиши эса яна бир янги лойиҳа — “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўли қурилиши учун муҳим пойдевор яратди. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси томонидан қурилаётган мазкур темир йўл линиясида бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Ушбу улкан қурилиш объекти узунлиги 19,1 километр бўлган туннель, 285 та сув ўтказиш ва олтита йўл ўтказиш иншооти, 19 та темир йўл кўприги, олтита станция ҳамда иккита вокзал қурилишини ўз ичига олган.

— Туннелнинг асосий қисмини казиш ишлари ғарбий ва шарқий порталлар ҳамда қўшимча учта ёнбош шахтада олиб борилмоқда, — дейди “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари Наврўз Эркинов. — Яъни темир йўлнинг ҳар икки тарафида бунёдкорлик ишлари тўхтовсиз амалга оширилмоқда. Натижада шу кунгача туннелнинг 14 километри қуриб битказилди. Тайёр бўлган

йўлларга эса пешма-пеш пўлат излар ётқизиilib, кўприк, сунъий иншоотлар ҳамда электрлаштириш ишлари босқичма-босқич бажарилаётди.

Бундан ташқари, туннелдаги бунёдкорлик ишларининг сифати ҳам доимий назоратимизда турибди. Яъни бунинг учун Германиянинг “DB International” компаниясидан мутахассислар жалб этилган. Улар бу ердаги ҳар бир жараёни бевосита кузатиб, ўзларининг баҳосини бериб боришади. Зарур пайтларда эса маслаҳатлашिलाди.

Бу мўъжизавий қурилиш келгусида юртимиз ва Марказий Осиё давлатларидан ташқари, бошқа мамлакатларнинг ҳам Европа минтақасига чиқиши, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустақамланишида муҳим ўрин тутди. Бошқача айтганда, янги йўлнинг ишга туширилиши билан юкларни ташиш бир неча қарра арзонлашиб, уларни етказиб бериш муддати икки баробар қисқаради.

— Бугунги кунгача мазкур темир йўл линиясининг Поп томонидан туннелгача бўлган қисмидаги 65 километр масофаси ҳамда 5 та бекатни электрлаштириш ишларини бажардик, — дейди “Энергомонтаж поезди”



га татбиқ қилинаётган бу каби лойиҳалар иқтисодиётимиз салоҳиятини юксалтириш баробарида, унинг халқаро майдондаги нуфузи ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хисса қўшиши билан гоятда аҳамиятлидир.

— Тоғ орқали темир йўл ўтка-

томонлама қўлай вокзал ва станциялар, уларнинг атрофидаги тураржойларни қўриб, унинг бунёдкорлари меҳнатига яна бир бор қойил қолдик. Ахир, кечагина бу каби йўлларни орзу қилиш ў ёқда турсин, ҳаёлга келтириш ҳам мушкул эди. Бугун эса Истиқлол шарофати, Юртбошимиз томони-

ютуқлар залвори бундан-да ортиб бораверади.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
Мирзо МУРОТОВ.

СУРАТЛАРДА: “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўли қурилишидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Аргентинада бир неча кундан бери ёғётган кучли ёмғир мураккаб вазиятни келтириб чиқарди.

Об-ҳаво ўзгармайди



Хусусан, дарёлардаги сув сатҳининг тўрт метр кўтарилиши тошқинларга сабаб бўлди. Бундай ҳолатдан, айниқса, Буэнос-Айрес провинцияси аҳолиси жиддий азият чекмоқда. Манбада айтилишича, ҳозиргача уч мингга яқин фуқаро ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Мактаблар, дўконлар фаолияти тўхтатилган. Биноларнинг ертўллари, пастки қаватлари сувга тўлган.

Метеорологлар яқин кунлар ичида ёғингарчилик давом этишини билдиришди.

Сабаби аниқлаштирилмоқда


Хитой жануби-ғарбида жойлашган Гуйчжоу провинциясидаги кўмир конида портлаш рўй берди.

“Рейтер” ахборот агентлиги хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмган. 56 нафар кончини эса қутқаришга муваффақ бўлинди. Улардан беш нафари турли

жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди. Айни пайтда вайроналар остида қўлиб кетган яна уч кишини қидириш ишлари давом этапти. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

1,5 миллион километрдан туширилган сурат

“NASA” космик агентлигининг интернетдаги сайтида Сатурн сайёраси ва унинг ҳалқаси туширилган ноёб сурат эълон қилинди.



Олимлар мазкур янгилик Сатурнни янада кенгрок ўрганиш имконини беришини таъкидлашапти.

Портда ушлаб қолинди

Испаниянинг Корсик портида машҳур рассом Пабло Пикассо томонидан чизилган асарни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга уринган шахс ушланди.



кили турли йўллар билан кўлга қиритган ва мамлакатдан олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, бу асар Испаниянинг миллий бойлиги ҳисобланади ва қироллик қонунлари бўйича уни бошқа давлатга олиб ўтиш тақиқланади.

Истеъмол меъёри қанча?

АҚШнинг Бостон университети олимлари балиқ истеъмол қилиш бўйича ўтказган тадқиқот натижаларини эълон қилдилар.



Бу ҳақда “Apotheke Umschau” журналида илмий мақола ҳам чоп этилди. Таъкидланишича, одам яхши кўриниши, тетик юриши ва аъло кайфиятда бўлиши учун ҳафтада бир марта балиқ истеъмол қилиши кифоя экан. Аниқланишича, бир порция ҳажмдаги ушбу маҳсулот таркибида омега-3 кислотаси мавжуд бўлиб, у томир деворларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутadi. Шунингдек, ёши катталар кўпроқ денгиз балиқларини тановул қилсалар, юрак-қон томир касалликларига малҳам бўларкан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон давлат консерваторияси биносини мукаммал таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилиши муносабати билан танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танлов бир ой ичида ҳар чоршанба кўни қўйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Узғариш кўчаси, 18-уй.

Телефонлар: (0-371) 227-08-21, 227-05-86, 227-06-40.

Сармоялар — аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида



Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз юритилганда, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги

Фармонига мувофиқ, иш бошлаган мазкур молия муассасаси айнан шу соҳа вакилларига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган бўлиб, у ўтган вақт мобайнида, чин маънода, ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори ва молиявий кўмакчисига айланиб улғурди. Бунга банкнинг Тошкент вилояти филиали фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, хизматлар кўламининг кенгайиши ҳамда ажратилаётган кредитларнинг аксарият қисми тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилаётгани туфайли филиал мижозлари сони тобора кўпаймоқда.

Молия муассасаси жамоасининг аҳоли орасига кенгрок қириб боришида кредитларнинг имтиёзли ва мижозларга қулай шартлар асосида тақдим қилинаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 835 та кичик бизнес субъектига жами 14 миллиард 194 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, ушбу маблағларнинг 1 миллиард 76 миллион сўми янги тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун, қолган қисми эса ишбилармонларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилгани ана шундан далолат беради.

Эътиборли жиҳати, кредитларнинг 18,9 фоизи саноат, 26,1 фоизи қишлоқ-қўжалиги, 17,2 фоизи савдо, 11,4 фоизи хизмат кўрсатиш ва 15,9 фоизи қурилиш соҳасига йўналтирилган.

Банк ҳамда мижоз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишида Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, сармоялар камфоизли шартларда тақдим қилинаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, ҳар қандай корхонанинг ривожига бевосита унинг замонавий техника ва технологиялар билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Шу боис ҳозирги кунда тадбиркорларимиз ишлаб чиқаришга илгор ускуналарни жалб этган ҳолда, ички ва



ташқи бозор талабига мос маҳсулотлар тайёрлашга интилоқда. Масалан, Бўка туманилик тадбиркор Элмурод Зайниддинов раҳбарлик қилаётган “Яйра Камолова” масъулияти чекланган жамиятида эшик ва ромлар ана шундай ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилаётгани туфайли тобора хариддориги бўлиб бораёпти.

Филиалнинг яна бир мижози — Чиноз туманидаги “Risqli chorva” фермер хўжалиги банк томонидан ажратилган кредит эвазига 66 бош зотдор қорамол сотиб олиб, қорва сонини 140 бошга етказди. Ҳозирги кунда хўжалик жамоаси аҳоли ҳамда қайта ишлаш корхоналарига кунига 500-600 литр сут ва сут маҳсулотлари етказиб

бермоқда. Ёки бўлмаса, Зангиотуманидаги “Maximal Perfect Group” МЧЖ эса банк томонидан ажратилган кредит эвазига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Бекобод туманидаги “Bekobod pop savdo” хусусий корхонаси туман аҳолисини сифатли нон

Мухтасар айтганда, филиал жамоаси аҳолини тадбиркорлик, бунёдкорлик ҳамда ташаббускорликка даъват этган ҳолда, уларнинг даромади кўпайиши, турмуш даражаси ошиши йўлида ўз хиссасини қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бу эса банк ва мижоз ҳамкорлиги мустаҳкамланишида айни муддаодир.

Д. ЖУМАОБОВ.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов кўйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратosh кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Бухоро вилояти суд ижрочилари Олот тумани бўлимининг 2015 йил 30 июлдаги 63-сонли буюртма хати ва Бухоро вилояти Хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Техника равнақ плюс» ММТПга тегишли бўлган, Олот тумани, «Пахтакор» КФЙ худудида жойлашган бино.

Бошланғич баҳоси — 46 142 552 сўм.

Ушбу кўчмас мулк бўйича савдолар 2015 йил 15 сентябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк 2015 йил 15 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 сентябрь кўни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносидида бўлиб ўтади.

2. Аукцион савдосига суд ижрочилари Олот тумани бўлими томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Асртекс» МЧЖга тегишли бўлган асосий воситалар такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 3 352 756 882 сўм.

Ушбу мулк бўйича такрорий аукцион савдоси 2015 йил 31 август кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур мулк 2015 йил 31 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 15 сентябрь кўни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносидида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун аризани савдо ташкилотчисининг АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Кўшимча маълумот учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 106-хона. Телефон: (0-365) 221-51-62.

Хизматлар лицензияланган.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари, Моноблоклар, Харидор учун дисплей, Чеклар принтери, Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторонлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«Universal reator» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 15 февралдаги 10-1209/28006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қаъни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б»-уйларда жойлашган, умумий майдони 7736 кв.м. бўлган иккита тўрт қаватли, ертўлли бино ва унга тақаб қурилган иккита икки қаватли бинолар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 7 527 687 900 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 4 сентябрь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 3 сентябрь кўни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal reator» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Тузатиш: «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 8 августдаги 156 (6339)-сонидида чоп этилган, бошланғич баҳоси 14 745 549 133 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 16-уйда жойлашган «Сити Макон» савдо ва кўнгилочар болалар мажмуаси очик аукцион савдоси санасини 2015 йил 15 сентябрь, талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишни тўхтатиш санаси 2015 йил 14 сентябрь, деб ўқилсин.

Кўшимча маълумот олиш манзили: «Universal reator» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон (0-371) 150-35-55. www.reator.uz E-mail: universal.reator@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

